

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қашқадарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

Муборак шаҳар

50 сон

2022 йил «24» Энвар

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қашқадарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи подполковник **М.М.Мухсимов** (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан, Муборак туман **Халқ таълими бўлими мудири И.О.Усмонов** (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

**I боб. Шартнома предмети:**

1. Ижрочи **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қашқадарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси Қарши шаҳар Қўриқлаш бўлими техник қўриқлаш маркази** (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) қўриқлаш кўринишидан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкни қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II боб. Умумий шартлар:**

2. **Буюртмачи** Муборак шаҳар Дустлик маҳалласи Самарканд кўчаси 17/1уйда жойлашган **Халқ таълими бўлими мудири хонаси ва хазинахонасини** 5 соат эрталабки соат 08-00 дан, соат 13-00га қадар ташвиш тугмаси орқали қўриқловини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** қабул қилади.

3. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш **Буюртмачи** томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари **Ижрочининг** айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Қўриқловга олинган объектга ўрнатилган Приток-А қўриқлаш воситаларига ижрочи томонидан сим карта ўрнатилган тақдирда, сим карта ойлик тўловларини ижрочи томонидан олдиндан тўлов амалга оширилади. Буюртмачи томонидан эса ойлик ҳаражатлари сметасига киритилган сим карта учун тўловларини шартноманинг 7-банди бўйича амалга оширилади.

5. Мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 3 (уч) иш куни ичида Миллий гвардия қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

6. **Буюртмачи** кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда **Ижрочи** қўйилмайди, қўйилган **Ижрочи** эса чақириб олинади.

### III боб. Тўловларни амалга ошириш:

7. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

ТҚМ-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига 767 254 (етти юз олтмиш етти минг икки юз эллик турт) сўмни ташкил қилади. *3 ойга 230762=00 (Ушқун мушукчи ва бошқа Шерик) 0004 19 - олтидан бешки) 00*

8. **Ижрочи** хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

9. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичида **мазкур Шартнома баҳосининг 30% фоизи миқдорида** аванс тўловини амалга оширади.

**Буюртмачи** бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, **ойлик тўловнинг 100% фоизи миқдорида** аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

10. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган **Буюртмачи** мазкур Шартноманинг 9-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, **Ижрочи Буюртмачига** акцентсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда **Ижрочи Буюртмачи** билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

### IV боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

#### 11. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

**Ижрочидан** белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;  
хизмат кўрсатиш жараёнида **Ижрочининг** ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини **Ижрочидан** талаб қилиш;

**Ижрочининг** хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

**Ижрочи** томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича **Ижрочининг** вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

**Ижрочи** томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

#### 12. Буюртмачининг мажбуриятлари:

а) Мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2021 йил “\_\_\_” декабрдаги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

**Ижрочи** билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, **Ижрочини** бу ҳақда хабардор

килиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

Белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

Бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриқлаш турини ўзгартириш ёки кўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида **Ижрочини** бундай ишларнинг бошланишидан камида 20 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш;

Объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда **Ижрочини** огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

Объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиқлари ёпилганлигини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

Кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан **Ижрочини** хабардор қилиш ва объектга **Ижрочи** вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

Бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган код рақамларини ошқор қилмаслик;

### **13. Ижрочининг ҳуқуқлари:**

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича **Буюртмачига** тавсиялар бериш.

### **14. Ижрочининг мажбуриятлари:**

Мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

Объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

Объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки **Буюртмачига** хабар бериш;

Объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан **Буюртмачининг** вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

Ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун **Буюртмачи**

вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

**Ижрочининг** ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

Объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида **Буюртмачини** хабардор қилиш;

**Буюртмачи** билан биргаликда меъёрий буйруқ талабларидан келиб чиққан ҳолда объектнинг техник жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, **Буюртмачи** томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда **Ижрочини** бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

**Ижрочи** томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича **Ижрочи** ва **Буюртмачининг** вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини **Ижрочининг** раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

Кўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчилик қисмига ва **Буюртмачига** зудлик билан хабар бериш, ички ишлар органи вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

#### **V боб. Томонларнинг жавобгарлиги:**

15. Мазкур Шартноманинг 7-бандида кўрсатилган сўмманинг **Буюртмачи** томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги ҳолатида **Буюртмачи Ижрочига** ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг миқдори Шартнома баҳосининг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

16. **Ижрочининг** ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида **Ижрочи Буюртмачига** бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

17. Пеняни тўлаш **Буюртмачи** ва **Ижрочини** ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

18. **Ижрочи** мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида **Буюртмачига** етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

**Ижрочининг** айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлик миқдорда қопланади.

19. **Ижрочининг** айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

20. Қуйидаги ҳолларда **Ижрочи** зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамадан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний қучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

21. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойкани (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **VI боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби:**

22. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **VII боб. Форс-мажор:**

23. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган қуч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

24. Энгиб бўлмайдиган қуч ҳолатига ҳавола қилувчи **Томон** бошқа **Томонни** бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

25. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас қуч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса **Томонлар** мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### **VIII боб. Яқуний қоидалар:**

26. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб қучга киради.

Мазкур шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қучга киради.

27. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда **Буюртмачи** ва **Ижрочининг** вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

28. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича **Томонлар** тарафидан имзоланган кундан бошлаб **Томонлар** ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь кунига қадар ҳамда **Томонлар** қўриқловни давом эттириш истагида бўлса, барча турдаги объектларни кийинги йилнинг январь ойи охирига қадар жорий йил учун шартнома имзоланиши лозим.

**Буюртмачи** хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда **Буюртмачи** мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида **Ижрочига** Шартнома муддати тугашидан **30 кун** олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

29. Агар техник қўриқлаш воситалари **Буюртмачининг** айби билан ишдан чиккан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ **Буюртмачи** буни рад этса, **Ижрочи Буюртмачига** **етти кун олдин** ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

30. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур шартноманинг 7-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

31. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

32. Объектнинг хусусиятидан келиб чикиб **Томонлар** мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

### IX боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

#### «Ижрочи»

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Қашқадарё вилоят Қўриқлаш  
бошқармаси

Юридик манзил: Қарши шаҳар Жайхун  
кўчаси

Тел./факс: 230-13-02, 230-13-45,

Банк реквизитлари:

Х/р: 2159 6000 1001 9397 4001

МФО: 00019

СТИР: 201 344 071

ИФУТ: 84220

Банк номи: Қарши шаҳар Марказий банк.

#### «Буюртмачи»

Муборак туман Халқ таълими бўлими

Юридик манзил: Муборак туман  
Дустлик МФЙ

маҳалласи Самарканд кўчаси 17/1уй

Хизмат телефони: +998 75 67 22 424

Банк реквизитлари:

Х/р: 100022860102347096300075004

ИНН: 200699328 ОКОНХ

Банк номи: Тошкент шаҳар

марказий банки Ўз. Республикаси Миллий  
вазирлиги Фазлнинг Тошкент

Муборак туман Халқ таълими



бўлими муdiri

201229/9

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Қашқадарё вилоят Қўриқлаш  
бошқармаси бошлиғи подполковник

М.М.Мухсимов

И.О.Усмонов



## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ LP2432378178

### 1. Loyihaning turi

Muborak tuman Xalq ta'limi bo'limining Xo'jalik munosabatlariga oid, O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Qashqadaryo viloyati Qo'riqlash boshqarmasi tomonidan jismoniy va yuridik shaxslarga xizmat ko'rsatish bo'yicha shartnoma loyihasi yuzasidan quydagilarni,

### ANIQLADIM:

### 2.1 Loyihaning nomi

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Qashqadaryo viloyati Qo'riqlash boshqarmasi nomidan Nizom asosida faoliyat yurituvchi boshqarma boshlig'i podpolkovnik M.M.Muxsimov (keyingi o'rinlarda «**Ijrochi**» deb yuritiladi) bir tomondan, Muborak tumani xalq ta'limi bo'limi mudiri **I.Usmonov** (keyingi o'rinlarda «**Buyurtmachi**» deb yuritiladi) ikkinchi tomondan, birgalikda «**Tomonlar**» deb yuritiladi, mazkur shartnomani quyidagilar to'g'risida tuzdilar,

Ushbu qo'riqlash xizmatini ko'rsatish shartnomasining tuzilgan kunidagi uch oylik narxi **2301762 (ikki million uch yuz bir ming yetti yuz oltmish ikki)** so'mni tashkil etadi.

Ijrochi O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Qashqadaryo viloyati Qo'riqlash boshqarmasi Muborak tuman Qo'riqlash bo'limi texnik qo'riqlash markazi (keyingi o'rinlarda TQM deb yuritiladi) qo'riqlash ko'rinishidan foydalangan holda Buyurtmachining mulkini qo'riqlash xizmatini ko'rsatish majburiyatini, Buyurtmachi esa mazkur Shartnoma shartlariga asosan o'z vaqtida ko'rsatilgan xizmat uchun to'lovlarni amalga oshirish majburiyatini olish to'g'risida rasmiylashtirilgan shartnoma loyihasi,

### 3 Loyihaning muvofiqligi va kiritilgan siza haqidagi ma'lumot

Muborak tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 26.01.2022-yilda yuridik xizmat ko'rsatish markaziga taqdim etilgan. Yuqorida qayd etilganlarga asosan,

### XULOSA QILDIM:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq hisoblayman.

Markaz bosh  
yuriskonsulti



X.A.Boirqulov  
2022-yil "27" yanvar